Қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш ҳамда аниқланган рақобатга таъсир кўрсатувчи омилларни бекор қилиш

Ўзбекистон Республикаси
Рақобатни ривожлантириш
ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
қўмитаси

Қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларининг рақобат муҳитига таъсирини ҳамда давлат кўмагини самарадорлигини баҳолаш бошқармаси бошлиғи

Атамуротов Сардор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сонли қарори

Рақобат қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ **товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида** рақобатни ривожлантиришни чекловчи якка тартибдаги имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш функциясини амалга оширади.

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси

Ушбу Методика Қўмита томонидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ОЭСР) таклифлари асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2019 йил 18 апрелда 3155-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ex-ante

қонун ҳужжатлари **лойиҳаларнинг** рақобатга таъсирини баҳолаш

Ex-post

амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш

Хулосалар берилади

“Ex-ante” усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

Қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳалар Қўмитага мажбурий тарзда киритилади:

А

янги чекловларни, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар ва лицензиянинг янги турларини киритиш

Б

лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни, шунингдек қўшимча техник тартибга солиш шартларини жорий этиш

В

товар ёки молия бозори иштирокчиларида ортиқча харажатларга олиб келиши мумкин бўлган талаблар (шартлар)ни киритиш

Г

товар ёки молия бозори иштирокчиларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёз, кафолат ҳамда бошқа преференциялар белгилаш, шунингдек айрим товар ёки молия бозори иштирокчиларига эксклюзив ҳуқуқларни бериш

Д

табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)лари нархи (тариф)ини ва бошқа тартибга солинадиган нарх (тариф)ни ошириш

“Ex-ante” усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

Қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳалар Қўмитага мажбурий тарзда киритилади:



истеъмолчилар ёки товар ва молия бозори иштирокчилари учун инфратузилма ва табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)ларидан фойдаланиш шартларини ўзгартириш

табиий монополия субъектларининг товар ва молия бозорларида иштирокининг мавжудлиги

давлат корхоналари ва табиий монополия субъектларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш

товар ва молия бозорларида давлат иштироки ёки давлат органларининг исталган кўринишдаги ҳаракатларининг мавжудлиги

товар ва молия бозори иштирокчиларининг исталган кўринишдаги ресурслар, жумладан хом ашё, материаллар, ишчи кучи ва молиявий ресурслардан фойдаланиш шартларининг ўзгариши

“Ex-post” усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

Бунда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари йилига камида икки маротаба хатловдан ўтказилади.

Ўрганиш Қўмитанинг ташаббусига, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва тавсияларига, оммавий ахборот воситалари орқали ўрганилган ёки чоп этилган бошқа материалларни ўрганиб чиқиш натижаларига асосан амалга оширилади.

Қўмита ҳамда унинг ҳудудий органлари амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказади.

Қўмитанинг ҳудудий органлари ўтказилган хатловлар натижаси юзасидан ваколатли органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

“Ex-post” усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

Қўмита амалдаги қонун ҳужжатини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганида:

- юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда таклифлар киритади;

- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари юзасидан – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдимнома киритади.

Қўмитанинг ҳудудий органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганда улар юзасидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдимнома киритади.

Қўмита томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рақобатга таъсирини баҳолаш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

2022 йил давомида

Жами кўриб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сони



Лойиҳаларда рақобатга зид нормалар мавжуд





2023 йил биринчи чораги давомида

Жами кўриб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сони





Лойиҳаларда рақобатга зид нормалар мавжуд





Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган ҳужжатларни инвентаризация натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

2022 йил давомида



2023 йилнинг биринчи чорагида



РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКАДА АЛОҲИДА ЭКСКЛЮЗИВ ҲАМДА ЯГОНА ОПЕРАТОРЛИК ҲУҚУҚЛАРИ БЕРИЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИНГ НАТИЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги **ПФ-101-сонли** Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш бўйича чора-тадбир белгиланди.

НАТИЖА

Фармонига асосан **13 та** хўжалик юритувчи субъектларга берилган **эксклюзив ҳуқуқлар** бекор қилиниши белгиланди.

ШУНДАН

8 таси бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилинган ва **5 та** хўжалик юритувчи субъектларга берилган эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш юзасидан қарор лойиҳалари **кўриб чиқиш жараёнида**.

Хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополиялар бартараф қилиниши белгиланган соҳалар



Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газ етказиб бериш



Ҳайдовчиларни ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш



Ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш



Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат бериш



Ўлчаш воситаларини қиёслаш



Қишлоқ жойларда қишлоқлар, овуллар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини тузиш



Электр техника ускуналари ва қурилмаларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш



Пахта маҳсулотларини, қишлоқ хўжалиги уруғларини сертификатлаштириш




Ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси бўйича хизматлар



Солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича хизматлар



Қишлоқ хўжалиги ва автомабиль шиналари ягона етказиб берувчи томонидан етказиб берилиши бўйича хизматлар



Нефть маҳсулотларини сақлаш



Темир йўл транспортида ёрдамчи хизматлар кўрсатиш


ЭКСКЛЮЗИВ ҲУҚУҚЛАР БЕКОР ҚИЛИНГАН СОҲАЛАРДА БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ



электр техника ускуналари ва қурилмаларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш бозорига

61 та янги тадбиркорлик субъектлари кириб келди

*Эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилингунга қадар бозорда фақат **"Energo-RES" МЧЖ** фаолият юритган*



Ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси бўйича хизматлар бозорига

103 та янги тадбиркорлик субъектлари кириб келди

*Эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилингунга қадар **“Ўзбекинвест” АЖ** томонидан амалга оширилган*



Қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ягона етказиб берувчи томонидан етказиб берилиши бўйича хизматлар бозорига

49 та янги тадбиркорлик субъектлари кириб келди

*Эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилингунга қадар **"Birinchi rezinotexnika zavodi" МЧЖ** фаолият юритган*



Нефть маҳсулотларини сақлаш бўйича хизматлар бозорига

11 та янги тадбиркорлик субъектлари кириб келди


*Эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилингунга қадар **"O‘zbekneftgaz" АЖ тасарруфидаги нефть базалар** томонидан амалга оширидган*



Солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича хизматлар

103 та янги тадбиркорлик субъектлари кириб келди

*Эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилингунга қадар **“Ўзбекинвест” АЖ** томонидан амалга оширилган*



Эътиборингиз учун раҳмат!

@antimonuz

antimonuz

@antimonuz

antimonuz